

№ 41 -а/21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ
БОШ БОШҚАРМАСИ

Архитектура режалаштириш ТОПШИРИҒИ

(жойлаштириш ва муҳандислик тармоқларини
лойиҳалаштириш учун)

I- II-қисм

Объект номи: Дўконлар, Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари

Объектнинг жойлашув манзили: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўктерак худуди Халимқўл МФЙ худуди

Объект эгаси (буюртмачи): Танлов голиби

№ В1727265-34173

Кадастр рақами 11:11:08:01:03:1474

Тошкент вилояти 2021 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент вилояти Қурилиш бош
бошқармаси бошлиғи
Э.Пўлатов



20 ____ й.

АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИ

20 21 йил « 7 » январ 41 -сон

Лойиҳавий бино (иншоот) тури: Дўконлар, Маиший хизмат кўрсатиш
корхоналари

Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент тумани,
Кўктерак худуди Халимқўл МФЙ худуди

Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси: Танлов ғолиби

«КЕЛИШИЛДИ»:

Ишлаб чиқариш бўйича бошлиқ ўринбосари
Б.Мавлянов

Аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб
чиқиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи

Б.Сарбоев

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини
амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини
бошлашга асос бўла олмайди.

| Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари | Қисмларнинг мазмуни |
|---|---|
| Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1023-сонли қарорига асосан |
| Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашиши ва бош режада тутган ўрни | <p>а) объектнинг расмий манзили (расмий манзили бўлмаган ҳолатда объект худудига туташган ёки яқин масофада жойлашган бино ёки иншоот) Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўктерак худуди Халимқўл худуди</p> <p>б) объект жойлашган худуд қайси зонага мансублиги (аҳоли пунктининг ҳаракатдаги ёки аввалги бош режасига асосан) аҳоли пунктининг ҳаракатдаги;</p> <p>в) объект жойлашган худуд муҳандислик тармоқлари билан таъминланганлиги / таъминланмаганлиги таъминланган.</p> |
| Лойиҳалаштириладиган объект худудининг табиий-иклим кўрсаткичлари | <p>Лойиҳалаштириладиган объектнинг ер участкаси 21,1 С иклим (климат) худудида жойлашган.</p> <p>Ҳаво ҳарорати:</p> <p>ўртача йиллик 21,1 С</p> <p>энг баланд ҳарорат 45 С</p> <p>энг паст ҳарорат 20 С</p> <p>Июнь — август ойларида 45 С</p> <p>Декабрь — февраль ойларида 20 С</p> <p>Объект қурилишини лойиҳалаштириш жараёнида эрозия (емирилиш), селдан сақлаш, сув ва шамол эрозиясидан сақлаш тадбирлари белгилансин.</p> |
| Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги | Ҳолатни ўрганиш учун тегишли руҳсатномага эга бўлган ташкилотга 1:500 нисбатдаги топохарита ишлаб чиқиш учун буюртма берилсин. |
| «Қизил чизиқлар ва белгилар» | Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг тасдиқланган чегарасидан чиқмасдан, қурилиш чизиқларига амал қилган ҳолда лойиҳа ишларини олиб борилиши таъминлансин. |
| Архитектура талаблари | <p>Лойиҳани ишлаб чиқишда:</p> <p>а) ҳаракатдаги шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларга амал қилинсин;</p> <p>б) аҳоли пунктининг тасдиқланган бош режасига ва унинг</p> |

| | |
|---|--|
| | жараёнлари назарда тутилиши мумкин. |
| Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш | <p>Лойиҳанинг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қисмида қуйидагилар:</p> <p>а) объектда игна баргли, манзарали ва бошқа дарахтлар ҳамда буталар ва гуллар экилиши;</p> <p>б) кўкаламзорлаштириш ҳудудларининг газон ўтлари билан қопланиши;</p> <p>в) ландшафт архитектурасининг ечимларидан фойдаланган ҳолда дарахтларнинг қандай шаклларда бўлиши инобатга олинсин.</p> |
| Санитария-гигиена талаблари | <p>Лойиҳалаштиришда санитария-гигиена талабларига риоя этилсин.</p> <p>Лойиҳалаштириш жараёнида қурилиш материаллари турларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақиқланмаган ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш материалларидан фойдаланилиши шартлиги кўзда тутилсин.</p> <p>Объект қурилиши учун танланган ер майдонидан оқиб ўтувчи канал ёки ариқ мавжуд бўлган тақдирда, лойиҳадаги сув йўналиши ҳамда сувнинг муҳофаза этиш масофаларини сақлаш ва қирғоқларни ободонлаштириш ва мустаҳкамлаш ишлари лойиҳалаштириш жараёнида инобатга олинсин.</p> |
| Ёнғиндан сақланиш талаблари | Тошкент туман Фавкулотда вазиятлар бўлимининг 07.08.2020 йилдаги 657-сонли хати. Ёнғиндан сақланиш талаблари ШНК 2.02.01-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойиҳалаштирилсин. |
| Экология талаблари | Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Тошкент туман инспекциясининг 2020 йил 25 декабрдаги 01/06-4770-сонли хати. Лойиҳалаштиришда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш меъёрларига амал қилинсин. |
| Лойиҳани келишиш | <p>Лойиҳа архитектура-режалаштириш топшириғига мувофиқлигига Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки давлат хизматлари маркази орқали қуйидагилар билан келишилсин:</p> <p>вилоят Қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан — тарихий зоналарда, шу жумладан маданий ёдгорликларнинг қўриқлаш зоналарида қуриладиган объектларнинг ҳамда давлат объектларининг лойиҳалари;</p> <p>бевосита вилоят Қурилиш бош бошқармаси билан — бошқа объектларнинг лойиҳалари.</p> <p>Келишиш учун электрон шаклда қуйидаги ҳужжатлар</p> |

| | |
|--|--|
| | <p>тақдим этилсин:</p> <p>1) лойиҳанинг архитектурага оид қисми (тушунтириш хати (тушунтириш хатида лойиҳа-смета ҳужжатида ёнғин хавфсизлигига, санитария-эпидемиология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш бўйича ва бошқа йўналишларда бажарилган ишлар акс эттирилади));</p> <p>2) бино ва иншоотнинг фасадлари, қаватлар режалари, қурилиш объектининг бош режаси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилладиган лойиҳа ишлари ва инвестиция лойиҳаларини такомиллаштириш учун кўшимча чоралар ҳақида» 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарорига 2-иловада (Мураккаблик тоифаси бўйича объектлар классификацияси) келтирилган III тоифаларга мансуб объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини бевосита ўзлари санитария-эпидемиология ва ёнғинга қарши назорат хизматлари ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишадилар; қурилиш ҳажми 300 куб метрдан ортиқ бўлмаган объектларни бевосита ўзлари туман (шаҳар) қурилиш бўлимлари билан келишадилар.</p> |
| Кўшимча талаблар | <p>Лойиҳа ташкилоти лойиҳани келиши давомида вилоят Қурилиш бош бошқармаси ёки унинг ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан берилган тавсиялар ва экспертиза хулосасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этади.</p> <p>Буюртмачи ўз хоҳишига кўра қурилиш ишлари тугагандан сўнг объект ҳудуднинг ижро топотасвирини (ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ҳолда) бажарилишини таъминлайди ва унинг бир нусхасини вилоят Қурилиш бош бошқармасига топширади.</p> <p>Лойиҳани ишлаб чиқишда зилзилага бардошлик талаблари инобатга олинсин.</p> |
| Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари: | |
| Ичимлик сув тармоғи | “Тошкент сув таъминоти” МЧЖ Тошкент туман филиалининг 19.12.2020 йилдаги 34173-сонли маълумотномаси ва техник шарт олиш шarti билан |
| Окава сув тармоғи (канализация) | “Тошкент сув таъминоти” МЧЖ Тошкент туман филиалининг 19.12.2020 йилдаги 34173-сонли маълумотномаси ва техник шарт олиш шarti билан |
| Электр тармоғи | Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси 21.12.2020 йилдаги хулосаси техник шарт. |
| Газ тармоғи | Худудгаз Тошкент МЧЖ Тошкенттумангаз филиалининг |

| | |
|--|---|
| | 19.12.2020 йилдаги техник шарти талабларига асосан. |
| Телефон алоқа тармоғи | Тошкент телеком тармоқлари Тошкент телекоммуникациялари боғланмасининг 15.07.2020 йилдаги 48-02-12/974-сонли хати. |
| Иссиқлик ва иссиқ сув тармоғи | Тошкент сув таъминоти МЧЖ Тошкент туман бўлими |
| Дренаж тармоғи | |
| Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиҳа ташкилотига кўйилаётган талаблар | <p>Объектларни муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомилларни белгилловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига риоя этилиши таъминлансин.</p> <p>Объектга уланадиган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари унга чегарадош ўзга ер участкаларидан ўтказиладиган ҳолатларда муҳандислик коммуникацияларининг трассалари ушбу ер участкалари эгалари билан келишилсин.</p> <p>Объектга тегишли ер участкаси ҳудудидан ўтган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари кўчирилиши (зарурат бўлганда) лойиҳада инобатга олинсин.</p> <p>Объектга уланадиган ер ости муҳандислик коммуникацияларини ётқизишда кўчаларни ёпиқ ҳолда кесиб ўтишни мутасадди ташкилотлар билан келишилсин.</p> |
| Қўшимча талаблар | Қурилиш жараёнида ўрнатилган тартибда лойиҳа ташкилоти томонидан объектда муаллифлик назорати олиб бориш таъминлансин. |
| Архитектура режалаштириш топшириғига амал қилиш муддати | Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғига амал қилиш муддати объект фойдаланишга топширилгунга қадар этиб белгиланади. |

Архитектура-режалаштириш
топшириғини тайёрлаган мутахассис:

Н.Замонова

Ер участкаси карточкаси
№ В1727265-34173Ҳозирги ҳолати: **Архитектура-режалаштириш топшириғи ишлаб чиқилмоқда**

| Параметрлар | Маълумотлар |
|--|--|
| Кадастр рақами: | 11:11:08:01:03:1474 |
| Яратилган сана: | 05.12.2020 16:04:00 |
| Киритилган сана: | 05.12.2020 16:24:50 |
| Ер фонди тоифаси: | давлат заҳира фонди |
| Майдон (Га): | 0.0100 |
| Жойлашган манзил: | Тошкент вилояти Тошкент тумани Кўктерақ худуди Халимкўп МФЙ |
| Қурилишга рухсат берилган объект турлари: | <ul style="list-style-type: none">• Дўконлар, Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари |
| Қурилиш муддати: | 12 ой |
| Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларигача бўлган масофа (метр): | 300.00 |
| Маълумотни янгиланиш санаси:. | 31.12.2020 14:30:05 |

Келишув варақаси

B1727265-34173

Ҳозирги ҳолати: **Архитектура-режалаштириш топшириғи ишлаб чиқилмоқда**Келишув турлари: **Тадбиркорлик учун ер участкалари**

| Ташкилот | Келишув натижаси | Киритилган сана | Келишилган сана | Изоҳ |
|--|--------------------------------------|-----------------|-----------------|---|
| ГУП «Сувокава» и его территориальные подразделения | Келишилган (шартли равишда) | 18.12.2020 | 21.12.2020 | "Тошкент сув таъминоти" МЧЖ Тошкент тумани булими билан курилиш лойihalарини келишиш (ичимлик суви буйича) |
| АО «Региональные электрические сети» и его территориальные подразделения | Келишилган | 18.12.2020 | 21.12.2020 | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1050-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр тармоғи объектларини муҳофазалаш қоидалари"га риоя этилсин. |
| АО «Худудгазтаъминот» и его территориальные подразделения | Келишилган | 18.12.2020 | 19.12.2020 | шахарсозлик меёр қоидаларига асосланган ҳолда |
| Министерство по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан | Келишилган (тизим томонидан автомат) | 18.12.2020 | 23.12.2020 | Муддат яқунлангани сабабли, тизим томонидан автомат ижобий деб белгиланди. |
| Министерство Внутренних Дел Республики Узбекистан | Келишилган (тизим томонидан автомат) | 18.12.2020 | 23.12.2020 | Муддат яқунлангани сабабли, тизим томонидан автомат ижобий деб белгиланди. |
| АК «Ўзбектелеком» | Келишилган (шартли равишда) | 18.12.2020 | 18.12.2020 | Алоқа иншоотлари ва ускуналарини кўчириш ишлари тегишли лойиха ҳамда техник шартлар асосида махсус ташкилот томонидан амалга оширилиши лозим.Қурилиш бошлашдан олдин ер егаси "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали техник назоратчиларини таклиф қилиши талаб этилади. |
| Ташкилот | Келишув натижаси | Киритилган сана | Келишилган сана | Изоҳ |

| Ташкилот | Келишув натижаси | Киритилган сана | Келишилган сана | Изоҳ |
|---|--------------------------------------|-----------------|-----------------|--|
| Государственный комитет Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды и его территориальные подразделения | Келишилган (шартли равишда) | 23.12.2020 | 25.12.2020 | Келишилди |
| Межрегиональные (региональные) государственные инспекции Главного научно-производственного управления по охране и использованию объектов культурного наследия Министерства культуры Республики Узбекистан | Келишилган (тизим томонидан автомат) | 23.12.2020 | 30.12.2020 | Муддат якунлангани сабабли, тизим томонидан автомат ижобий деб белгиланди. |

Чоп этди: _____ / УЛУҒБЕК АЧИЛОВ ХИКМАТИЛЛАЕВИЧ / 2021-01-04 09:43:30





40 м

Новая карта
Здесь можно добавить описание



111500, Toshkent viloyati, Nurafshon shahar, Bobur ko'chasi 84 uy, Tel.: (+998 71) 259 70 22, Faks.: (+998 71) 259 70 45,
E-mail: nazorattashtel@uztelecom.uz, infotashtel@uztelecom.uz

№ 48 02 12/574
18.07 2020

Тошкент вилояти қурилиш
бош бошқармасига

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сонли қарорининг 1-илоvasи “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби туғрисида” ги низомнинг 18-бандига асосан қуйидаги техник хулоса тақдим этилади.

1. "YERELEKTRON" автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилган ушбу ер участкаси ҳудудида ер ости, хаво-алоқа иншоотлари, шунингдек алоқа ускуналари ер эгаси ҳисобидан хавфсиз ҳудудга кўчирилиши;
2. Алоқа иншоотлари ва ускуналарини кўчириш ишлари тегишли лойиҳа ҳамда техник шартлар асосида махсус ташкилот томонидан амалга оширилиши лозим;
3. Қурилиш бошлангандан олдин ер эгаси “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали техник назоратчиларини тақлиф қилиши талаб этилади;
4. Қурилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли “Телекоммуникация Линиялари ва Иншоотларини муҳофаза қилиш қондаларини тасдиқлаш туғрисида” ги қондаларга риоя қилиш талаб этилади;
5. Ер участкасини телефон ва интернет хизматларига улаш бўйича қурилиш режалаштирилган кўчмас мулк эгаси ёки пудратчиси техник шарт олиш учун “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиалига ёзма равишда мурожаат қилиши талаб этилади;

6. Эслатма: Ушбу техник хулоса алоқа тармоғига ва иншоотларига улашга асос бўла олмайди.

Техник масалалар
бўйича директор ўринбосари

 А.Худайберганов



“TOSHKENTTUMANGAZ” GAZ TA'MINOTI BO'LIMI

№ _____

« 19 » 12 2020 йил

«Худудгаз Тошкент» газ таъминоти
филиали биринчи ўринбосари
Джўраев А.А га.

Ер участкаси карточкаси рақами В1727265-34173

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги №1023 сонли қарорига асосан Тошкент тумани Кўк-терақ ҳудуди Халимкўп МФЙ ҳудудидаги 0,01га майдонида Дўкон ва Маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиш мақадида танланган ер майдони куздан кечирилди.

Мазкур ер майдони “Тошкенттумангаз” газ таъминот бўлими балансидаги ер ости газ қувури мавжуд эмас.

Ер ости ҳамда ер ўсти газ қувурлари ва ундаги қурилмаларига халақит бермаган ҳолда танланган ер майдонини кенгайтирилмаган ҳолда ажратишга қаршилигимиз йўқ.

«Тошкент туманигаз» таъминоти
бўлими бошлиғи



М.С.Абидов

Ижрачи: Х.Содиқов тел(70) 202-67-57



111200 TOSHKENT VILOYATI TOSHKENT TUMANI Ahilik MFY Hurramlik ko'chasi 21 uy Telefon 95 1450199 II r 20210000800101498001
MF O-00478 AFIB "Ipoteka-bank" Chirchiq filiali. INN 201577953 OKTXX 90213E- mail toshkentsuvoqova@mail.ru

№_34173_

“19” 12 2020й.

МАЪЛУМОТНОМА

“Тошкент Сув таъминоти” МЧЖ Тошкент тумани бўлими Сизнинг В1727265-34173сонли (кадастр рақами 11:11:08:01:03:1474) электрон хатга жавобан куйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26-августдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турар ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-гамойилларини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб тамоилларини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Тошкент вилояти “Ермулккадастр” давлат корхонаси Тошкент туман филиали томонидан кўйидаги ер участкаси аниқланган.

Ушбу, Тошкент тумани Кўктерак худуди Халимкўп МФЙ худудида аниқланган, умумий ер майдони (Га) 0.0100 бўлган, “YERELEKTRON” ахборот тизимига аукцион савдоси учун тақдим этилган ер майдонида “Тошкент Сув таъминоти” МЧЖ Тошкент тумани бўлими тасарруфидаги ичимлик ва оқова сув қувурлари мавжуд эмас.

Бош муҳандис

ИЧТБ муҳандиси

Н.Ниязов

Ф.Зуфаров

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
"TOSHKENT HUDUDIY ELEKTR
TARMOQLARI KORXONASI"
AKSIYADORLIK JAMIYATI
"TOSHKENT TUMANI ELEKTR TA'MINOTI
KORXONASI"



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ
АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
«TOSHKENT HUDUDIY ELEKTR
TARMOQLARI KORXONASI»
« TOSHKENT TUMANI ELEKTR TA'MINOTI
KORXONASI»

Toshkent tumani Keles shahri Oqibat IV tor ko'chasi 40-uy, tel. 0 370 96 56 594 faks 150 34 20
Ташкентский район г.Келес ул.Окйбат IV пр. дом-40, тел. 0 370 96 56 594, факс 150 34 20

2020 йил "21" 12 .

B1727265-34173

Сўралган жойга

*Белгиланган худудни келишиб
бериш тўғрисида*

"Toshkent tumani elektr ta'minoti korxonasi" "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасига сотувга чиқарилган Кўктерак худуди Халимкоп маҳалласи худудида 0,0100 га ер майдонида "Дўконлар, Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари" бино иншоатларининг қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 Декабр 2018 йилдаги "Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги №-1050-сонли қарор талаблари асосида электр хўжалиги объектлари муҳофазаси зонаси сақланган ҳолда амалга оширилсин.

Қурилиш ишлари бажарилганидан сўнг объектнинг электр тармоқларига уланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январ кунидаги 22-сонли қарори асосида техник шартлар асосида ишларни бажариш лозим эганлигини билдиради.

БОШЛИҚ:

И.ИБРОХИМОВ

Баж. ИЧТТ
Тел. 150 26 52



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH DAVLAT QO'MITASI**

**TOSHKENT VILOYATI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH BOSHQARMASI**

*111518. Toshkent viloyati, O'rta chorchiq tumani, Farovon MFY, Toshkent yo'li ko'chasi, 1-uy, tel: 70-700-70-89,
elektron manzil: toshkentva@ecnavar.uz, e-sat toshkenttabiat@exot.uz*

2020 yil "15" dekabr

01/06-4770 -son

Toshkent vil.


**Toshkent viloyati
hokimiyatiga**

Toshkent viloyati Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish boshqarmasi, Toshkent viloyati, Toshkent tumani, "Xalimko'p" mahalla fuqarolar yig'ini hududida qishloq ho'jaligida foydalanilmaydigan davlat zaxirasi yer maydonlaridan 0.0100 ga yer maydonida "Do'konlar, maishiy hizmat ko'rsatish korxonalarini"ni loyihalashtirib qurish yuzasidan №V1727265-34173-son bilan taqdim etilgan hujjatlarini o'rganib chiqib quyidagilarni ma'lum qiladi. Ya'ni, Toshkent tumani, "Xalimko'p" mahalla fuqarolar yig'ini hududida davlat zaxira yerlarida 0.0100 ga yer maydonida do'konlar, maishiy hizmat ko'rsatish korxonalarini loyihalashtirib qurish uchun O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 7 sentabrdagi 541-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Atrof-muhitga ta'sirini baholash mexanizimini yanada takomillashtirish to'g'risida"gi loyihasi ishlab chiqilib, o'rnatilgan tartibda Davlat ekologik ekspertizasidan o'tkazish sharti bilan Toshkent viloyati Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish boshqarmasi qarshilik bildirmaydi.

Boshqarma boshlig'i

A.Xolmurodov

Объект жойлашуви ва муҳандислик коммуникацияларига уланиш
СХЕМАСИ



АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:

Архитектура-режалаштириш топшириғини
ишлаб чиқиш гуруҳ раҳбари

Б.Мавлянов

Аҳоли пунктлари шаҳарсозлик
хужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга
ошириш бўлими бошлиғи

Б.Сарбоев

Архитектура-режалаштириш топшириғини
тайёрлаган мутахассис:

Н.Замонова